


# **O'ZBEK BOLALAR FOLKLORINI TO'PLASH VA O'RGANISH VA NASHR QILISH MUAMMOLARI**

**Xalqaro ilmiy – amaliy anjumian  
MATERIALLARI**



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSİYALAR VAZIRLIGI  
BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI  
SPORT FAOLİYATI VA PEDAGOGIKA FAKULTETI  
BOSHLANG'ICH TA'LIM KAFEDRASI**

**"O'ZBEK BOLALAR FOLKLORINI TO'PLASH VA O'RGANISH VA  
NASHR QILISH MUAMMOLARI"**

**XALQARO ILMİY-AMALIY ANJUMAN  
MATERIALLARI**

**«ПРОБЛЕМЫ СБОРА, ИЗУЧЕНИЯ И ПУБЛИКАЦИИ  
УЗБЕКСКОГО ДЕТСКОГО ФОЛЬКЛОРА»**

**МАТЕРИАЛЫ  
НАУЧНО - ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ**

**“PROBLEMS OF COLLECTION, STUDY AND  
PUBLISHING OF UZBEK CHILDREN'S FOLKLORE”**

**MATERIALS  
OF THE INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL  
CONFERENCE**

**2023-yil 8-9-noyabr**

**BUXORO – 2023**

aqli odam bularning barchasini umumlashtiradi. Koshifiyning fikri shunday: faqat ularning yaxshi fazilatlari tufayli yomonlikka qarshi turish va yaxshilik qilish mumkin.

Shunday qilib, deb ta'kidlaydi Koshifiy, har bir insonning yo'lida ezgulik va yomonlik o'rtasida keskin kurash kechadi. Yaxshilik yovuzlikni mag'lub qilishni xohlaydi, yomonlik yaxshilikni mag'lub qilishni xohlaydi, aqli odam bularning barchasini umumlashtiradi. Koshifiyning g'oyasi shunday: uning yaxshi fazilatlari tufayligina yomonlikka qarshi turish, yaxshilik qilish mumkin. Koshifiy insonning xarakteri ikki komponentdan – tabiiy va ko'nikma va tajriba bilan orttirilgan bo'lishini belgilaydi. Tabiiy yoki tabiiy, uning fikricha, tabiatan insonning tabiatida ustun bo'lgan u yoki bu o'ziga xos xususiyatga ega ekanligi bilan belgilanadi, ya'ni muayyan temperamentga ega. Bu mayllarning asl mohiyatida u o'ziga aniq hisobot beradi. Biroq, ijtimoiy hayot kechirayotgan inson o'z aqli tufayli o'ziga kerak bo'lgan jamiyatni saqlab qolish uchun foydali bo'lgan axloqiy moyilliklarini tabiiy ravishda rivojlantiradi va mustahkamlaydi. Aql shu tariqa boshqa ruhiy kuchlarni o'ziga bo'ysundirib, odamni yomon ishlar qilishdan qaytaradi. Koshifiyning so'zlariga ko'ra, yaxshi xulqli odamni yaratadigan, unga ehtiroslar impulslarini bostirishga yordam beradigan narsa aqldir. Umuman olganda, Koshifiy barcha axloqiy tamoyillar, axloqiy hodisalar va axloqiy fazilatlarni aql xarizmasi orqali ko'rib chiqadi, shu jumladan uning ta'limotida aql tanlash erkinligi bilan chambarchas bog'liq holda ko'rib chiqiladi, ko'pincha oqilona tanlash imkoniyati sifatida tushuniladi. Zero, ta'limning markaziy muammolaridan biri inson faoliyatining o'ziga xos va eng murakkab jihatini inkor etuvchi tanlash muammosidir. Koshifiy uchun ideal - faol, ehtiyyotkor, qat'iy, harakatchan shaxs. Uning uchun axloq inson xatti-harakatining shunday belgilovchisi bo'lib chiqadi, bu esa undan axloqiy me'yorni erkin bajarishni talab qiladi, unda o'zini - o'zi boshqarish, faollik, qat'iylik va harakat qilish qobiliyatini shakllantiradi.

### **Adabiyotlar**

1. Abu Homid G'azzoliy. Riyozatun nafs (Nafs tarbiyasi). Toshkent. Movorounnahr. 2006.- 18b
2. Imam Ahmad ibn Qudoma Maqdisiy. Minhojulqosidiyn (saodat izlovchilarga qo'llanma). Toshkent: Toshkent islam universiteti nashriyot- mantbaa birlashmasi. 2009.- 175 b.
3. Abu Homid G'azzoliy. Riyozatun nafs (Nafs tarbiyasi). Toshkent. Movorounnahr. 2006.- 55b
4. Mahmud As'ad Jo'shon. Tasavvuf va go'zallik. Toshkent: Adolat. 2004- 155
5. Husayn Voiz Koshifiy. Axloqi Muhsiniy. Futuvvatnomai Sultoniy. Toshkent.: O'zbekiston. 2019-238b

## **HUSAYN VOIZ KOSHIFIY IJODIDA USTOZ-SHOGIRD MUNOSABATLARINING FAZILATLI JIHATLARI**

**Ashurova Marhabo Sayfulloyevna  
Buxoro davlat universiteti  
Boshlang'ich ta'lim kafedrasи o'qituvchisi**

*Annotatsiya: Mazkur maqolada Koshify tarbiya borasida avvalo, ustoz-shogird munosabatlarga alohida to'xtaladi. Voiz fikricha shayxlik isboti daryo kabi saxovatli bo'lish, ya'ni, hech bir vaziyatda o'zgarmasdan mustahkam turish va hamma narsani fikr andisha bilan hal qilish kerakligini aytib o'tadi.*

*Tayanch so'z va iboralar: odob, axloq, tarbiya, axloqiy tarbiya, fazilat, xulq, ustoz, pir, murshid.*

*Аннотация: В данной статье, что касается образования Кошифи, в первую очередь будут обсуждаться взаимоотношения учителя и ученика. По мнению проповедника,*

*доказательством шейхства является быть щедрым, как река, то есть твердо стоять в любой ситуации и решать все своим мнением.*

**Основные слова и фразы:** манеры, нравы, образование, нравственное воспитание, добродетель, поведение, учитель, пир, муршид.

**Annotation:** In this article, regarding Koshifi education, first of all, the teacher-student relationship will be discussed. According to the preacher, the proof of sheikhdom is to be as generous as a river, that is, to stand firmly in any situation and to solve everything with an opinion.

**Basic words and phrases:** manners, morals, education, moral education, virtue, behavior, teacher, pir, murshid.

Кошифий тарбия борасида аввало, устоз-шогирд муносабатларга алоҳида тұхталиб "агар муриднинг одоби нечта, деб сұрасалар, саккизта деб айтгил. "Аввал шуки, у үз ишига пухта бўлиши керак, пок ният билан иш бошлиши даркор. Иккинчидан, собит эътиқод билан сулукни бошласин. Учинчидан, пирнинг назарига тушгач, үз ҳаловати ва одатларидан воз кечсин. Тұртингидан, куриши лозим бўлмаган барча нарсалардан кўз юмсин. Бешинчиси, эшитилиши нораво ҳисобланган нарсалардан қулоқни беркитсин. Олтинчиси, қилиниши ман этилганлардан қўлини тортсин. Еттингидан, үз пирининг мухолифлари билан муюмла-муносабатда бўлмасин" <sup>1</sup>.

Агар шогирдликнинг биноси ниманинг устига қурилади, деб сұрасалар, иродат устига, деб жавоб бергин. Агар иродат нимадир, деб сұрасалар, само ва тоатдир, деб айтгин. Агар само (эшитиш) ва тоат нимадир, деб сұрасалар, устоз нимаики айтса уни жон қулоги билан эшитиш, чин кўнгил билан қабул қилиш ва вужуд аъзолари орқали амалда адо этишдир, деб айт. Агар шогирд учун нима яхши, деб сұрасалар, пок эътиқод деб айт, чунки факат эътиқод кишини муродига етказади. Агар шогирд нима орқали матлуби мақсадига етади, деб сұрасалар, хизмати орқали, деб айтгин. Агар хизматининг биноси нимага қурилган, деб сұрасалар роҳатни тарқ этиш ва заҳматни чекиши асосига, деб айтгин. Агар шогирдликни рукнлари нечта, деб сұрасалар, тўртта деб айт. Биринчиси, мард бўлиб ишга киришиш, яъни футувват йўлини мардана қабул қилиш, зеро, киришмасдан қўрқиб туриш, орқага суриш ва йўлдан кайтишдан кўра ёмонроқ. Иккинчиси - сидкидилдан хизмат қилиш. Учинчиси - кўнгилни ва тилни бир-бирига мувофиқ тутиш, яъни тўғри гапириб, тўғри амал қилиш. Тўртингиси - насиҳатга қулоқ солиш ва устоздан эшитганини ёдда тутиб, унга ама қилиш.

Агар шогирдликни одоби нечта, деб сұрасалар, саккизта деб айт. Аввал шуки, қабулга кирганда ёки устозни кўрганда, биринчи бўлиб салом бериш. Иккинчи- устознинг олдида оз гапириш. Учинчи- бошни олдинга эгиб туриш. Тўртингчи- кўзни ҳар томонга югуртирумаслик. Бешинчиси - агар масала сўрамокчи бўлса, олдин устоздан ижозат олиш. Олтинчиси - устоз жавоб айтганда, эътиroz билдирумаслик. Еттингиси - устоз олдида бошқаларни гийбат қилмаслик. Саккизинчиси - ўтириб- туришда ҳурматни тўлиқ саклаш.

Кошифий мурид тушунчасини изоҳлаб, агар "мурид" сўзининг маъноси нима деб сұрасалар, жавоб беруб айтки, муриднинг лугавий маъноси истовчи, хохловчи демак. Зеро, ботинда хохиш бўлмаса зоҳирда ҳеч бир амал кўзга ташланмагай. Ва тариқат тилида "мурид" деб, нафснинг барча мурод (истак)ларидан кутулган одамга айтадилар. Бундай одамнинг пирнинг хохишидан үзга хохиши бўлмайди. Агар муридликнинг рукнлари нечта, деб сұрасалар, олтида деб айтгил, яъни фармонга итоат этмоқ, рост сўзламоқ, вафоли бўлмоқ, насиҳатга қулоқ солмоқ, дилозорлик қилмаслик ва сирни сақламоқ. Агар муридликнинг жавҳари (магзи) нима деб сұрасалар, бу – тариқат биродарларининг хурсандлиги, деб айтгил. Агар муриднинг сармояси (бойлиги) нима, деб сұрасалар, пок эътиқод ва равшан кўнгил, деб айт. Агар муридликнинг қонуни нима деб сұрасалар, үзига раво кўрган нарсаларни үзгаларга раво кўриш ва үзига раво кўрмаган нарсани үзгаларга ҳам раво кўрмаслик, деб жавоб бергил. Агар пир - муридликнинг безаги нимадир, деб сұрасалар

<sup>1</sup> Уша жой 317-б.

муриддан хизмату вафо, пирдан эса ҳиммату ато (лутф эхсон), деб жавоб бергил<sup>1</sup>. Тариқат йўлига кирган киши пирга эҳтиёжманддир.

Инсон илм йўлини танладими у албатта тўсиқларга учрайди ва бу йўлда унга ҳамроҳ ва ҳамдард бўладиган бир пиру-устозга эҳтиёж сезади. Шу ўринда бир нарсани айтишни жоиз деб билдиқ, агар киши уч нарсасини илм йўлига багишламаса у юкмайди: ақлини, вақтини ва бойлигини.

Агар шайхлик рукнлари нечта деб сўрасалар, еттида деб айтгил. Биринчидан, комил маърифат эгаси бўлсин, яъни ўзини таниган бўлсин. Иккинчидан, ўткир фаросатли, одамшунос киши бўлиб, бир нигоҳ ташлаш билан муриднинг қобилиятини илгай олсин. Учинчидан, етук руҳий маънавий куввати бўлсин, токи мурид (тариқат йўлида адашса), унга маънавий мадад бериб, мушкулини осон килолсин, тўгри йўлга солсин. Тўртинчидан, етарли даражада одам бўлсин, яъни ҳеч нарсага муҳтожлиги бўлмасин. Бешинчидан, ихлоси мустаҳкам бўлиб, риё ва тамани тарк этсин, мол ва мансаб деб бирорга саргаймасин, эгилмасин. Олтинчидан, ростлик ва бегараз дўстликни шиор килсин, ҳақ сўзни ҳар ерда, ҳар қандай шароитда айта олсин, гапирганда иккюзламачилик қилмасин. Еттинчидан, қалбида шафқат нури порлаб турсин, мурид манфаатини ва умум манфаатини ўз манфаатидан устун қўйсин.

Биз биламизки ҳар бир нарсада меъёр ва ўлчов бўлади шундай экан Воиз айтганидек шайхликнинг ҳам ўз меъёрлари бўлади ва бу бузилса мезон ўзгаради. Бу борада Кошифий “агар шайхлик меъёри нима, деб сўрасалар, бу - унинг қалбидан муриднинг чуқур жой олиши, мурид муродининг хосил бўлишидир”, деб жавоб бергил, деганлар. Устознинг заруратлари нимадан иборат деган саволга эса улар тўртта деб айт: биринчи - муридни барча гам – андуҳ зулматдан халос этиш; иккинчи- муридга раво деб буюрилган коидаларга ўзи ҳам амал қилиш, мурид учун ман этилган нарсаларни ўзи ҳам тарк этиш; учинчи - ўзини бамисоли чупон, муридларни эса рама ҳисоблаб, ҳар қандай шароитда ҳам мурид ҳимоясидан бош тортмаслик; тўртинчи - муриднинг мол-мулкини ўз манфаати учун ишлатмаслик ва ўзлаштирмаслик деб жавоб берганлар.

Кошифий шайхлик одоби борасида эса , ҳеч кимга хиёнат кўзи билан қарамаслик ва барчага меҳрибон, раҳмдил бўлиш кераклигини алоҳида таъкидлайди. Воиз фикрича шайхлик исботи дарё каби саховатли бўлиш, яъни, ҳеч бир вазиятда ўзгармасдан мустаҳкам туриш ва хамма нарсани фикр андиша билан ҳал қилиш кераклигини айтиб ўтганлар.

Аллоҳ ҳеч бир нарсани сабабсиз яратмаган. Ўз жойида шундай тақрорланмас ва тартиб билан яратганки, инсониятнинг ақли ожизи етмайдиган даражада. Куръони Каримнинг “Наҳл” сураси асаларилар деб номланиб, 68-оятида (эй Мухаммад!) Раббингиз асалариларга вахий (буйруқ) килди: “Тоғларга, дараҳтларга ва (одамлар) қурадиган нарсаларга ин қуриңгиз. 69-оят Сўнгра турли мевалардан еб, Парвардигорингиз (сиз учун) қулий қилиб қўйган йўллардан юриңгиз!”. Уларнинг қоринларидан одамлар учун шифо бўлган турли рангдаги шарбат (асал) чиқур”<sup>2</sup>. Ана шу ерда Танги яратган тартиб ва меъёрни яққол қўриш мумкин. Бу борада Жалолиддин Румийнинг ҳам фикрларига тўхталамиз:

Ҳак таъоло илми бирлан бол ари,

Хона тиклайди тўла ҳолвалари.<sup>3</sup>

Тасаввур қиласи, она асалари ўлиб қолса бутун оила тарқоқ ҳолатга келади ва парокандаликка юз тутади. Шунинг учун ҳар икки йилда она боши (она асалари 5-8 йил умр куради) алмаштирилиб турилмаса унинг иш фаолияти самарали бўлмайди. “Анвори Суҳайлий” асарининг кириш бобида Ҳумоюнфол подшонинг овга чиққани ва дараҳт ковагида уя қўйган асалариларни кўриб уларни тартиб интизом билан ишлашлари, биргина бошлиқка сўзсиз итоат қилишларини кўриб ҳайрон колади. Подшо доно вазирига мурожаат қилиб, нега арилар мана шундай интизомга бўйсунадилар одамлар эса бунақа эмас, деб

<sup>1</sup> Ўша жой 316-б.

<sup>2</sup> Куръони Карим. Абдулазиз Мансур таржимаси.Т.: “Ислом университети”. 2001.128 оятдан иборат бўлган “Наҳл” сураси. 274-Б

<sup>3</sup> Жалолиддин Румий. Ҳикматлари.Т.: “Шарқ”.2008.229-бет

сўрайди. Шунда вазир, арининг ҳилқати бир хил унсурдан яралган ва унда ақл йўқ, у амалларини беихтиёр бажаради. Инсон табиатида эса турли бир – бирига зид унсурлар борлиги учун ҳам улар доимо зиддиятлар қуршовида яшайди, деб жавоб беради. Бундан вазир шундай хулоса чикаради: агар инсонлар ҳам бир бошлиққа бўйсуниб итоат ва тартиб интизом бўйича ишлаганда эди, уларга подшоҳнинг ҳам кераги бўлмас эди. Демак инсонларга бир шоҳ керак экан унинг вазифаси ана шундай ҳар хил табиатли инсонларни муросаага келтириб, адолат йўли билан иш кўриши керак. Кошифий яна “Билимсиз куч адли йўқ шоҳдир, қуввати йўқ илм эсаadolатли, лекин лашкари йўқ шоҳ кабидир”. деб уқтиради.

Билгилки, улуглар дарвешлик барча адабдир демишлар. Яъни ҳар бир вақтнинг, ҳар бир ҳолатнинг, ҳар бир макомнинг ўз одоби бордир. Бас, кимки одобни сакласа, мардлар макомига ета олади. Ҳаким Абулмажд Саноий “Ҳадикатул хақиқат” (“Ҳақиқат багчалари”) асарида дебдурким, сұхбат адаб натижасидир ва адаб хурмат натижаси ва ҳурмат савфат (соғ, покиза) натижаси ва савфат кўнгли натижаси ва кўнгил ақл хазинаси ва ақл эса сир хазинаси, сир маърифат хазинасидир... Ва дебдурларки, зохирий адаб ботин адабининг белгисидир. Ҳар бир одам бирор мартабага эришса, одобидан эришади.

Хулоса ўрнида ҳам Кошифийнинг фикрларини келтирамиз “ одамзод ўз ахлоқини ўзgartириб боради, яъни хулқ – автор яхшилик томон ўзгариши керак ва бу сўзнинг ҳақиқати шундаки, одамлар мақбул ва номақбул ахлоқий сифатлар орасида доимий кураш боради, яъни ҳар бир сифат ўзига карши сифатни йўқ қилиш пайда бўлади. Шундагина пештахта (сандик) ичидаги “қалб” (араб тилида қалб сўзи ўзгарувчи, эвритувчи, деган маъноларни беради) яхши хислатлардан нишона бериб боради.

### Адабиётлар

1. Абу Ҳомид Фаззолий. Риёзатун нафс (Нафс тарбияси). Ташкент. Мовороуннахр. 2006.-186
2. Имом Аҳмад ибн Қудома Мақдисий. Минҳожулқосидийн (саодат изловчиларга қўлланма). Ташкент: Ташкент ислом университети нашриёт- мантбаа бирлашмаси. 2009.-175 б.
3. Абу Ҳомид Фаззолий. Риёзатун нафс (Нафс тарбияси). Ташкент. Мовороуннахр. 2006.-556
4. Маҳмуд Асьад Жўшон. Тасаввуф ва гузаллик. Ташкент: Адолат. 2004- 155
5. Ҳусайн Воиз Кошифий. Ахлоқи Мухсиний. Футувватномаи Султоний. Ташкент.: Ўзбекистон. 2019-2386.

## MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARI TARBIYALANUVCHILARINING HAMKORLIKDAGI FAOLIYATI – JAMOADA ISHLASH KO'NIKMALARINI FOLKLOR NAMUNALARI ASOSIDA SHAKLLANTIRISH

**Djurayeva Dilfuza Nuriddin qizi  
Navoiy viloyati pedagoglarni yangi metodikalarga  
o'rgatish milliy markazi  
“Maktabgacha, boshlang'ich va maxsus ta'lif  
metodikasi” kafedrasi o'qituvchisi**

*Annotatsiya:* Ushbu maqolada Maktabgacha ta'lif tashkilotlari tarbiyalanuvchilarining hamkorlikdagi faoliyati – jamoada ishlash ko'nikmalarini shakllantirishning omillari haqida fikr yuritilgan. Tarbiyalanuvchilarining hamkorlikdagi faoliyati – jamoada ishlash ko'nikmalarini shakllantirishning usullari tahlillar asosida yoritib berilgan.

*Kalit so'zlar:* Maktabgacha ta'lif tashkilotlari, tarbiyalanuvchi, hamkorlik, jamoaviy ish, me'yor, davlat va nodavlat tashkilotlar

## MUNDARIJA

O.X.Xamidov. KIRISH SO'ZI .....	3
O.X.Xamidov. O'ZBEK BOLALAR FOLKLORINI TO'PLASH VA O'ORGANISHning NAZARIY ASOSLARI .....	4
<b>1-SEKTOR: O'ZBEK BOLALAR FOLKLORINING GENEZISI, RIVOJLANISHI VA ILMUY-NAZARIY ASOSLARI .....</b>	<b>5</b>
Дармонон Ураева Саидахмедовна. БОЛАЛАРНИ АВАЙЛОВЧИ МАРОСИМЛАР ФОЛЬКЛОРИ ТИЗИМИ ВА ТАРКИБИ .....	5
Д.З.Ражабов. ХАЛҚ ҚУШИҚЛАРИДА ДИСПОЗИЦИЯ ВА КОМПОЗИЦИЯНИ БЕЛГИЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ .....	8
Қахрамон Рахимбоевич Тұхсанов, Алижон Рұзиқулович Ҳамроев. "МАСНАВИЙ" ДАГИ ХАЛҚ ҲИКОЯЛАРИ .....	13
Sharipova Laylo Frunzeyevna. XX ASR O'ZBEK SHE'RIYATIDA ALLA STILIZATSİYASI .....	16
Sabitova Tadjixon. TURKIY DOSTONLARNING JANR XUSUSIYATI .....	20
Mardonova Sarvinoz Oripovna. TILSHUNOSLIKDA SO'ZLARNING "LEKSIK - SEMANTIK", "MORFOLOGIK – SINTAKTIK" USULLAR BILAN SO'Z YASALISHI .....	23
Mardanov Rahim G'aybullayeva qizi. NAVOIY LIRIKASIDA TASAVVUFİY OBRAZLAR .....	29
Mamatqulova Mehrnoz. "ZUMRAD AND QIMMAT" MYRESS BRIGGS TYPE INDICATOR ANALIZE .....	32
Zumrad Masharipova. ZEBO MIRZO IJODIDA OBRAZLAR KO'LAMI .....	34
O'rınova Maftuna No'mon qizi. BOLALAR FOLKLORINING MAZMUNI TO'G'RISIDA .....	37
<b>2-SEKTOR: BOSHLANG'ICH VA MAKTABGACHA TA'LIMDA O'ZBEK BOLALAR FOLKLORI NAMUNALARIDAN FOYDALANISHNING PEDAGOGIK AHAMIYATI....</b>	<b>40</b>
To'xtasin Rajabov Ibodovich. UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTABLARI MUSIQA DARSIDA BUXORO BOLALAR FOLKLOR QO'SHIQLARINI O'RGATISHNING ILMUY-METODIK ASOSLARI .....	40
Husenova Aziza Sharipovna, Rahmatova Gulasal Nasillo qizi. BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIGA ERTAK O'RGATISHNING MA'NAVIY- AMALIY AHAMIYATI .....	44
Nurova Yulduz Ubaydullayevna. O'ZBEK XALQ MAQOLLARIDA NUMERATIV SO'ZLARNING ETNOLINGVISTIKASI .....	46
Жұраева Мунис Юнусовна. БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМДА УЗБЕК ХАЛҚ ТОПИШМОҚЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК МОХИЯТИ .....	49
Ashurova Marhabo Sayfulloyevna. HUSAYN VOIZ KOSHIFIY ASARLARIDA AXLOQIY SIFATATLARNI RIVOJLANTIRISH TEXNOLOGIYASI .....	53
Ashurova Marhabo Sayfulloyevna. HUSAYN VOIZ KOSHIFIY IJODIDA USTOZ-SHOGIRD MUNOSABATLARINING FAZILATLI JIHATLARI .....	56
Djurayeva Dilfuza Nuriddin qizi. MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARI TARBIYALANUVCHILARINING HAMKORLIKDAGI FAOLIYATI – JAMOADA ISHLASH KO'NIKMALARINI FOLKLOR NAMUNALARI ASOSIDA SHAKLLANTRISH .....	59
To'yumurodova Dilshoda Bobomurod qizi. MAKTABGACHA TA'LIMDA FOLKLOR NAMUNALARIDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI .....	62
<b>3-SEKTOR: O'ZBEK XALQ MILLIY O'YINLARI VA FOLKLORINING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK JIHATLARI .....</b>	<b>65</b>
Xudayqulova Latifa Avazovna. MAROSIMLARDA MILLIY O'YINLARNING O'RNI .....	65
Safarova Nigora Oxunjonovna. O'ZBEK BOLALAR O'YINLARINING AXLOQIY-TARBIYAVIY VAZIFALARI .....	67
Shamsiya Egamberdiyeva Mamajonovna. O'ZBEK ALLASI VA TURK NINNISI: UYG'UNLIK VA ALOHIDALILIK .....	70
Xalilova Ruxsora Raupovna. VIRTUAL MULOQOTDA XALQONA RUHNING IFODALANISHI ...	74
Sharipova Maxbuba Baxshilloyevna. "ALPOMISH" DOSTONIDA IFODA ETILGAN MAROSIMLARDA ARXAIIK EPOS XUSUSIYATLARI TALQINI .....	76
Xakimova Maxsudaxon G'ofurjon qizi. ALPOMISH DOSTONI EPOSINING ASOSIY TENDENSIYALARI .....	79

Davronova Jasmina Sanjar qizi. KICHIK YOSHDAGI BOLALARNI BADIY ADABIYOT O'QISHGA QIZIQTIRISHNING INNOVATSION YO'LLARI .....	83
---	----

<b>4—SEKTOR: BOLALARDA NUTQIY KOMPETENSIYALYARNI RIVOJLANTIRISHDA FOLKLORNING O'RNI .....</b>	<b>86</b>
Холиков Ихтиёр Розикович. БОЛАЛАРДА НУТҚИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ФОЛЬКЛОРНИНГ ҮРНИ .....	86
Тиллабаева Феруза Абдулазизовна. ФОРМИРОВАНИЕ ЛИЧНОСТИ НА ОСНОВЕ ФОЛЬКЛОРНЫХ ПРОИЗВЕДЕНИЙ .....	88
Navruzova Muyassar Gaynullaevna. ON LEXICAL CHARACTERISTICS OF EUPHEMISMS AS MEDICAL LINGUISTIC UNITS .....	92
Ozodova Madina Hamza qizi. Ө'QUVCHILAR NUTQINI O'STIRISHDA FOLKLORNING O'RNI ..	96
<b>5—SEKTOR: O'ZBEK VA QARDOSH XALQLAR BOLALAR FOLKLORINING SOLISHTIRMA TAHLILI .....</b>	<b>99</b>
Авезов Собит Сафарович. БУХОРО ФОЛЬКЛОРИ БОЛАЛАР ЎЙИНИ БАДИИЯТИ ВА КОМПОЗИЦИЯСИ .....	99
Джамила Темирова. ТИПЫ НЕАНАТОГИСТИЧЕСКИХ ИГР В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ДЕТСКОМ ИГРОВОМ ФОЛЬКЛОРЕ .....	103
<b>6—SEKTOR: XALQ OG'ZAKI IJODINI TO'PLASH VA NASHR ETISH MASALALARI 107</b>	
Бекбергенова Абдан Утеповна. «ЕР ЗИЙУАР» ДӘСТАНЫНДА ГИПЕРБОЛАЛАРДЫҢ ӨХМІЙЕТИ .....	107
Sabirova Nasiba Ergashevna. XORAZM DOSTONCHILIGI RIVOJIDA BAXSHICHILIK AN`ANALARINING O'RNI .....	110
Sharipova Laylo Frunzeyevna, Salohiddinova Lobar. ADABIY TOPISHMOQ .....	114
Narzullayeva Dilfuza Saitovna. O'ZBEK FOLKLORIDA MOMO KULTI .....	116
Qodirova Saodat Abduraximovna. "ZARBULMASAL" ASARIDAGI MAQOLLAR TIZIMI .....	120
Mahamadjanova. Odina Xamidullo qizi. ANDIJON BOLALAR FOLKLORI VA TURK BOLALAR FOLKLORIDAGI O'XSHASHLIKLER .....	124
Djurakulova Gulnoza Shavkatovna. JANUBIY O'ZBEKİSTON DOSTONCHILIK MAKTABIDA QO'LLANILUVCHI O'XSHATISHLAR .....	127
Sayfutdinova Dilbar Tojiddin qizi. RAQS SAN`ATINING RIVOJLANISH TARIXI VA TARAQQIYOT BOSQICHLARI .....	130